

5. 42 99980

22-001-53127 сон - ШАРТНОМА

17 январь 2022 йил

Тошкент шаҳар

"YADRO FIZIKA INSTITUTI" DM номидан устав асосида иш олиб борувчи ва бундан сўнг матнда "Буюртмачи" деб аталувчи директор ILXAM SADIKOV ISMAILOVICH бир томондан ва "O'zMMI" DM (Toshkent shahri) номидан Устав асосида иш юритувчи, бундан сўнг "Бажарувчи" деб аталувчи - унинг Директори в.б. САИДОРИПОВ Л. Ф. иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШЛАРНИНГ НАРХИ

1.1 "Буюртмачи" топшириғига кўра "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида қуйидаги таснифда кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

№	Хизмат кўрсатувчи бўлим	Ишлар тури ва ўлчаш воситаси номи	ЎВ шинг сони	Хизмат нархи		ҚҚС 15%	Хизмат қиймати (ҚҚС билан)
				Бир донаси учун нарх	Жами		
1	07.Отдел НПО электрич. и магнитных величин	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 07-Комплекты измерительные (всех типов)	3	377 426,89	1 132 280,67	169 842,10	1 302 122,77
2	05.Отдел НПО радиотехнических величин, ионизирующие	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 05-Impulsli generator	1	690 225,65	690 225,65	103 533,85	793 759,50
3	05.Отдел НПО радиотехнических величин, ионизирующие	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 05-Ikki kanalli ossillograflar	1	668 128,55	668 128,55	100 219,28	768 347,83
4	07.Отдел НПО электрич. и магнитных величин	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 07-Мультиметры и мультитестеры	2	430 721,93	861 443,86	129 216,58	990 660,44
5	07.Отдел НПО электрич. и магнитных величин	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 07-Калибраторы высокой точности (всех типов)	1	645 276,30	645 276,30	96 791,45	742 067,75
6	Кўшимча сайёр хизмат кўрсатиш / Дополнительный выездной сервис				82 669,40	12 400,41	95 069,81
				Жами:	4 080 024,43	612 003,67	4 692 028,10

Жами шартнома суммаси: **тўрт миллион олти юз тўқсон икки минг йигирма саккиз сўм 10 тийин**, шу жумладан ҚҚС - олти юз ўн икки минг уч сўм 67 тийин.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1 Тўлов "Буюртмачи" нинг ҳар бир талабноомаси (буюртмаси) асосида "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган тўлов учун ҳисоб бўйича "Буюртмачи" томонидан амалга оширилади. "Буюртмачи" ҳар бир тўлов учун ҳисоб тақдим этилган пайтдан бошлаб 15 банк иш куни якунига қадар бажариладиган хизмат (иш) қийматини 30% миқдорида "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига хизмат (иш)лар бажарилишидан олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Ишлар бажарилганидан сўнг бажарилган ишлар баёнига асосан "Буюртмачи" кўрсатилган хизматлар учун 70 % миқдоридаги тўловни 15 банк иш куни мобайнида тўлаш мажбуриятини олади.
- 2.2 Ишлар Тошкент шаҳар ташқарисида бажарилганда кўшимча сайёр хизматлар учун алоҳида ҳақ тўланади ва ишлар бажарилиш жойига бориш ҳамда намунавий ўлчаш воситаларини ташиш, яшаш ва суткалик харажатларни ўз ичига олади. "Буюртмачи" транспорт тақдим этган ва ҳақиқий ишлар бажарилиш жойида яшаш жойини таъминлаган ҳолларда кўшимча сайёр хизматлари учун ҳақ тўланмайди.
- 2.3 Кўшимча сайёр хизматларнинг нархи ҳақиқий ишлар бажарилиш жойига ва ишларни бажаришга жўнатилган "Бажарувчи" вакилларининг сонига боғлиқ ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманиннг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида ҳисоб-китоб билан аниқланади.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1 Шартноманиннг 2.1. банди бажарилгандан сўнг, "Буюртмачи" 3 иш куни мобайнида "Бажарувчи"га шартноманиннг 1.1. бандида кўрсатилган ўлчаш воситалари ва зарурий ҳужжатларни топширади.
- 3.2 "Буюртмачи" томонидан мазкур шартномада кўрсатилган ўлчаш воситалари (синов воситалари), (зарур ҳолларда) стандарт намуналар, ҳамда зарур ҳужжатлар (тасдиқланадиган турдаги ўлчаш воситалари (синов воситалари), ўлчаш воситаларининг (синов воситаларининг) эксплуатация ва техник ҳужжатлари;) топширилган вақтдан

бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 528-сонли «Ўзбекистон Республикасида Метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорида белгиланган муддатларда «Бажарувчи» ишни бажариш мажбуриятини олади. Шунингдек, техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилган муддатдан ошадиган ўлчаш воситалари бундан мутасно.

3.3 "Буюртмачи" томонидан шартноманинг 2.1. ва 3.1. бандидаги шартларни ўз вақтида бажарилмаган ҳолатларда, "Буюртмачи" бу ҳақида "Бажарувчи"га ёзма хабар беришга мажбур. Бу ҳолда, ишнинг бошланиш муддати тегишли равишда кечиктирилган вақт муддатига кўчирилиб, "Бажарувчи"нинг иш ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарлик келиб чиқмайди.

3.4 Шартнома бўйича ишлар якунлангач, "Бажарувчи" бажарилган ишларни "Буюртмачи"га топширади ва бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1 Шартнома фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.2 Шартнома иккала томоннинг ўзаро келишувига кўра, бошқа бир томоннинг шартнома шартларини бузган ҳолда ёки ишлар бажарилиши учун ўлчаш воситалари (синов воситалари) ва зарур ҳужжатлар уз вақтида топширилмаган, шартноманинг 2.1. банди "Буюртмачи" томонидан бажарилмаган ёки ишлар бажарилишини кечиктириш ҳақидаги ёзма хабарномаси бўлмаган ҳолатлардақуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

6.3 Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга бекор қилиниши кўзланаётган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.

6.4 Шартнома бекор қилинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳақиқий харажатлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

6.5 Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициенти асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқилади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

6.6 "Бажарувчи" қуйидаги маълумотларни "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз учинчи тарафга тақдим этмаслик мажбуриятини олади:

- ўлчаш воситаларининг (синов воситалари) калибрлаш (ёки қиёслаш) натижаларини, калибрлаш (ёки қиёслаш) баённомаси ва сертификати нусхаси, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасидаги молиявий маълумотлар);

- "Буюртмачи"нинг ходимлари ҳақидаги шахсий маълумотлар;

- "Буюртмачи"нинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ маълумотлар, ривожлантириш бўйича режалари, схемалар ва чизмалар;

- маҳсулот (хизмат) қиймати ва нархи;

- "Буюртмачи"га тақдим этилган бирламчи маълумотлар;

- солиқ тўловлари ва бу бўйича имтиёزلари (агар бор бўлса) ҳақидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Аккредитация органи, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошқа ҳуқуқ тарғибот органлари томонидан бериладиган сўровлар бундан мутасно.

6.7 Калибрлаш натижалари бўйича спецификация ёки стандартга мувофиқлик тўғрисида баёнотни "Буюртмачи" сўрамайди "Бажарувчи" эса тақдим этмайди (қолган хизматлар бундан мутасно).

6.8 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қўллайдилар.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1 Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳуқуқат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳуқуқатнинг чекловчи қарорлари ва ҳоказолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.

7.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 5(беш) кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.

- 7.3 Агар форс-мажор ҳолати мазкур шартнома шартларини бажаришга 12 ойдан кўп муддат талаб қилса томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома унга томонларнинг имзо қўйган вақтдан (имзо қўйилган сана) ва Молия Ҳазначилиги томонидан рўйхатдан (агар молия Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган бўлса) ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда ушбу шартнома бандлари 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.
- 8.2 Шартнома икки нусхада - ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир ҳил юридик кучга эга.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

- 9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.
- 9.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.
- 9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қончилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

"БАЖАРУВЧИ"

"O'zMMI" DM (Toshkent shahri)

Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий 333а

X/p 20210000000775480001

"ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ САГБОН ФИЛИАЛИ

Банк коди 01036

СТИР 304909478

ИФТ 71200

Тел. 78-150-26-18

"БУЮРТМАЧИ"

"YADRO FIZIKA INSTITUTI" DM

ПОС.УЛУГ'БЕК

X/p 400110860262697015100043001

в РКЦ ГУЦБ РУз Тошкент шахар

Банк коди 00014

СТИР 200540390

ОКЭД 1726269558

Тел. 97 724-9991



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома бажарувчи томонидан тасдиқланганини билдиради.



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома буюртмачи томонидан тасдиқланганини билдиради.